

Мавзу: Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши.

РЕЖА:

1. XIX аср урталарида хонликларнинг ахволи.
2. Кўкон хонлигининг босиб олиниши.
3. Бухоро ва Хива хонликларининг забт этилиши.

Урта Осиё масаласида инглиз-рус рақобати.

XIX асрнинг ўрталарида мустамлакачи икки йирик империя, яъни Англия ва Россия давлатлари манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Россия сиёсатчилари Туркистон халклари уз холига ташлаб қўйилса, тез орада Британия ҳокимиятининг Ўрта Осиёни ва кейинроқ Каспий денгизининг шарқий томонларини эгаллаб олишидан гоят хавфсирамоқда эдилар.

Англиянинг асосий мақсади хонликларни босиб олишга чоғланаётган Россиянинг режаларини барбод қилиб, учала хонлиқни унга қарши бир қуч қилиб бирлаштиришдан иборат эди. Бу мақсади амалга ошгач, унинг Урта Осиё бозорларини эгаллаш режаси ҳам йўқ эмасди.

Бу ишларни амалга ошириш учун Англия ҳукумати 1841-1842 йилларда Стоддарт ва Коннолини хонликларга махсус миссияни бажариши учун жўнатиб юборди. Кўкон ва Хива хонлари уларнинг таклифига қўнди, ҳарбий қучларни бирлаштиришга рози бўлди. Аммо Бухоро амири Насруллоҳон инглиз элчиларини қатл қилдирди. Шу иши билан у чор Россияси мустамлакачилик сиртмогининг ташланишига имкон яратиб берди. Россия бу имкониятдан фойдаланишга киришиб, 1853 йилда Окмачитни эгаллаб олди. Кўкон хонлигининг уни қайтариб олиш учун қилган барча уринишлари муваффақиятсиз тугади.

Кўкон хонлигининг босиб олиниши. 60-йилларда ҳарбий ҳаракатларнинг бориши.

60-йиллардан бошлаб Россия чоризми Урта Осиёдаги миллий мустиқил давлат Кўкон хонлигига қарши босқинчилик ҳаракатларини фаол ва дадил олиб борди. Бу

харакатлар борган сари кенг микёсли урушга айланди. Россия учун бу уруш характериға кўра мутлако адолатсиз, соф боскинчилик ва мустамлакачилик уруши эди.

Кўкон хонлиги дахшатли ёв билан яккама-якка кураш олиб борди. Аёвсиз уруш шу тарика тенгсиз ҳолатда давом этаверди. Ватаннинг барча мард ўғлонлари ўз она-юрти, дини, гурури учун курашга отландилар.

Боскинчи ёв замонавий курол-аслаҳага эга бўлиб, уларга Европанинг катта урушларида тажриба орттирган генераллар раҳбарлик қилдилар. Улар боскинчиликда катта маҳоратга эга эдилар. Дастлаб генерал Перовскийнинг кўшини 1853 йили шиддат билан Кўкон хонлигининг стратегик қалъаси бўлган Окмачитни эгаллаш учун юриш бошлади. У қалъани 1852 йилдаёқ олмокчи эди, аммо мағлубиятга учраб, орқага қайтишга мажбур бўлган. Бу сафар у қасос алами ва қўшимча қуч билан қалъага томон йўналди. Окмачит қалъаси учун бўлган жанг оғир ва шиддатли бўлди. Қалъа химоячилари 20 кун мобайнида уни қахрамонона химоя қилдилар. Боскинчилар қудратли 17 тўп ва жанговар 2500 га яқин кишилик отрядлари билан тинимсиз ҳужум қилиб турдилар. Замонавий армиянинг, ҳужумини пилта милтик, қилич ва бошқа оддий куроллар билан куролланган ватанпарварлардан фақат 400 химоячи салкам бир ой давомида қалъани муҳофаа қилди. Окмачит олинган кун, яъни 28 июлда фақат 74 киши асир олинди. Уларнинг жуда кўпчилиги оғир, ярадор бўлиб, курол ушлашга мадори қолмаган муҳофаачилар эди.

Боскинчилар қалъага асосий зарбани артиллерия билан берди ва уни вайрон қилиб ташлади. Замонавий курол-яроғи туфайли улар қам талафот кўрди. Натижада боскинчилардан 19 киши улди, 66 солдат ва зобит ярадор бўлди.

ЧОР АРМИЯСИНИНГ ТОШКЕНТНИ БОСИБ ОЛИШИ.

1865 йилда Сирдарё ва Янги Кўкон йўналишлари туфайли Тошкент бўсагаларигача эгалланган ҳудудларда Тошкент вилояти ташкил қилиниб, бу ерлар Оренбург генерал-губернаторлигига бўйсундирилди. Янги ташкил қилинган вилоятга генерал Черняев ҳарбий губернатор қилиб тайинланди. Унинг мавқеи ва ваколати ошгач, Тошкентни ишғол қилиш масаласи яна кўтарилди. Аммо Россия ҳукумати

Тошкентни эгаллашга хали вақт бор деб ҳисобларди. Улар тошкентликлар билан қўқонликлар орасидаги зиддиятга умид қилиб, Тошкент рус чегараларига (Қўқон хонлигидан тортиб олинган ҳудудлар назарда тутилмоқда— муаллифлар изоҳи) яқин бўлиб қолгандан кейин унинг ўзи Қўқондан ажралиб чиқиши мумкин, деган умидда эдилар. Тошкентликларнинг Россияга мурожаат қилишини кутиш ва шундай вазиятнинг қелишига шароит яратиш тарафдорлари Петербургда устивор фикрга эга эдилар. Худди шундан кейин Тошкентни Қўқондан ажратиб, мустақил ўлкага айлантириш, уни Россия ҳомийлигига ўтказиш мумкин, деб ўйлардилар. Черняев Оренбург генерал-губернатори Н.Крижановскийдан шунга мувофиқ келадиган тадбирлар қўриш тўғрисида кўрсатма олди.

Агар вазият башарти ўзгариб, Бухоро амири Тошкентни босиб олишга ҳаракат қиладиган бўлса, Черняевга бу шаҳарни вақтинча ишғол қилишга рухсат берилган эди. Уша вақтда амир Қўқонга қарши уруш бошлаб, Хўжандни тортиб олган эди.

Ана шу вазиятдан дарҳол фойдаланишга интилган генерал Черняев Тошкентга отланди. Унинг йўлига соткинлар пешвоз чиқиб, шаҳарни олишда ҳар томонлама ёрдам беражакларини маълум қилишди. Шулардан бири Мулла Олимкулдан норови бўлган тошкентлик катта мансабдор Абдурахмонбек эди. Воқеалар шундай аснода ривожланиб бораётганда Черняев 1865 йил 3 февралда Россия ҳарбий вазиридан телеграмма олди. «Қўшимча ҳарбий қучлар ёрдами етиб боргунга қадар ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатлар тадбири кўрмасдан, Қўқон хонларидан норози Тошкент аҳли билан алоқа боғлаб туришингиз ҳақида император жаноби олийлари буйруқ беришни лозим топдилар», дейилади ўша хабарда.

Тошкентга ҳужумнинг бошланиши

Мансаб ва унвонларга ҳаддан ташқари ўч, шовинист, яъни буюк давлатчилик, босқинчилик ва ўзга халқларни тиз чўктириш руҳида тарбияланган генерал Черняев юқоридан келган буйруқларга ҳам амал қилмай, мустақил ҳаракатлар қила бошлади. Тошкентга қилинадиган ҳужумнинг бутун масъулиятини таваккал қилиб, ўз зиммасига олди.

Юқорида номи айtilган хоин Абдурахмонбек ва унга эргашганлар генерални Ниёзбек қалъасини олишга ундадилар. Чунки айтилган баҳор палласи Тошкентни сув билан таъмин қилиб турган бош манба шу ердан ўтар эди. Черняев Ниёзбек

калъасини бир зарба билан эгаллаб олди. Улар сувсиз колган шаҳар аҳолиси вакиллари оёғимиз остонасига бош уриб келади деб ўйладилар.

Тошкент аҳли дарҳол Кўкондан ёрдам юборишларини сўрайди. Бундан даргазаб бўлган генерал Черняев бутун кўшини билан Тошкент шаҳри остоналарида пайдо бўлди.

Тошкентликларга ёрдам бериш учун саркарда Олимкул ҳам кечаю кундуз тинимсиз ҳаракат қилиб, Тошкентга етиб келди ва мудофаани ташкил қилишга зўр бериб киришди. Шу тарика Тошкент даҳшатли уруш гирдобига тортилди.

Тошкент учун жанг

Генерал Черняев асосий ҳужумни жанубдан, яъни Камолон дарвозаси томондан бошлайди. Чунки у Бухоро амири кўшинлари ҳам Тошкентга кириши мумкинлигидан хавфсирарди.

Ҳужум бошлангунга қадар Олимкул ўз кўшинларини шаҳардан ташқарига олиб чиқди. Сарбозларини бир неча отрядга бўлиб, 36 тўпдан иборат артиллериясини муҳим йўналишларга жойлаштирди.

Нихоят, 1865 йил 9 май куни икки томон кучлари тўқнашди. Рус кўшинлари босар-тусарини билмай, кенг ва чуқур Салар аригидан ўтиб, тўпларнинг каттик химоясида шаҳарга яқинлашиб келавердилар. Олимкул бошчилигидаги кўшин қарши чиқиб, уларнинг йўлини тўсиб қўйди. Натижада жанг қутилгандан ҳам оғир ва шиддатли кечди.

Бу воқеаларни ўлкашунос тарихчи Мирзо Одим Тошкандий ўзининг «Тарихи Туркистон» номли китобида қуйидагича баён этади: «Бир неча кундан кейин русия аскарлари Тошканд устига келиб, қайтадан Хўканд дарвозасидан ҳужум қила бошладилар. Уша вақтда Тошканд шаҳрининг тамом атрофини айлантириб, бино қилинган қалин ва баланд кўргони, ташқари атрофида зовур қазилган ва ўн икки дарвозаси бор эди».

Бу жангни ўз кўзи билан кўрган машҳур тарихчилардан бири Муҳаммад Солиҳ «Тарихий жадидаи Тошканд» номли қўл ёзма асарида қуйидагича тасвирлайди: «Бутун осмонни тутун ва чанг қоплаб олди, ниҳоят руслар яқиндаги тепалик томон чекиниб, мудофаага ўтишга мажбур бўлдилар. Камалда ётган шаҳарликлар буни кўриб жуда қувондилар. Етти яшар боладан тортиб, етмиш яшар чолларгача галабани қутлаб,

сарбозларга овкат, шарбат, иссик нон, ширин ва нордон мевалар келтириб турдилар. Лекин ўрус кўшинлари ўзларини ўнглаб қайта хужумга ўтиб, Тошканд кушинларини оркага чекинтирди».

Шундай дахшатли жанг кизиб кетдики, еру кўк ларзага келди, бутун осмои чанг билан копланди, одамлар каерда-ю, куроллар каерда эканлигини ажратиш мумкин бўлмай қолди, тўшларнинг гумбурлаши кулоқларни қар қилиб қўйди. Нихоят, тошкентликлар тоб беролмай, енгилиб қоча бошладилар. Биринчи бўлиб Себзор дахаси одамлари рус тўшларининг гумбурлаб отилаётганлигидан кўркан қозикалон бошчилигида қочиб кетди. Буларнинг кетидан қипчоқлар, қирғизлар ва Қўкон қўшини билан бирга келган андижонликлар отряди қочди. Хамма саросимага тушиб турган пайтда Олимкулга ўқ тегиб йиқилди. У сафдан қикқач, Худоёрхоннинг қариндоши Султон Мирсаид амир лашкарбоши вазифасини ўз зиммасига олди. Олимкулнинг ўлиmidан кейин Тошкент учун бўлган жангда Султон Содикнинг хизматлари алоҳида диққатга сазовордир. Унинг бошчилигида мудофаачилар рўй берган ахволни яхшилашга уринмасин, ўнглаб олиш мумкин бўлмади. Бунинг устига Тошкент бош ўқдори омборхонасининг портлатилиши фалокатни янада тезлаштирди.

Олимкулнинг ўлиmidан сўнг тошкентликлар Бухоро амирига муружаат қилиб, ёрдам сўради. Аммо амир ўзи ёмон қўрган, яъни аввалдан қасдлашиб юрган амалдорларни тутиб, хузурига юборишларини талаб қилди. Бу мудофаани қаттиқ заифлаштиради, деган андишада амир талаби рад этилди.

Бу пайтда Черняев Бухорога борадиган йўлларни ҳам тўсиб қўйди. Сўнгра Тошкентга энг сўнгги, қатъий хужумини бошлади. Аммо шаҳар аҳолиси қаттиқ қаршилиқ қўрсатишда давом этди. Қўчаларга чор қўшинларининг қаракатини қийинлаштирадиган тўсиқлар қўйилди.

Айрим уйлар ҳам жанг билан олинди. Рус отрядларининг илгор қисми тор қўчалардан ўтиб, қўргонга яқинлашди, лекин қамал ичида қолиб қетди. Аммо улар қатта қийинчиликлар билан қикиб қета олдилар.

Хар бир маҳалла, уй жанг майдонига айлана борди. Айниқса Қиёт қаҳалласининг жангчилари қахрамонона қурашдилар. Абдурахмон ясовул бошчилигидаги қўнғиллилар гуруҳи қун бўйи душман хужумини даф қилиб турди. Мирюсуф Мирсултон богбон ўғли, Нормухаммад ҳамда Мулла Шер ўғли мерганлар. Муллажон Муса Мухаммад Али подачининг ўғли ва бошқалар қатта қасорат қўрсатдилар.

Нихоят, тошкентликлар бу уруш катта вайронгарчилик ва қурбонлар беришга айланиб кетаётганлиги ҳамда вазиятни ўнглаб бўлмасликни назарда тутиб, музокара бошлашга мажбур бўлдилар. 1868 йил 17 июнда музокаралар бошланди. Ут ечиш тўхтатиладиган бўлди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил килиниши

1867 йил 14 июлда Россия императори Александр II Туркистон харбий округини таъсис этиш ҳамда Урта Осиёдан босиб олиниб, Россия таркибига киритилган ҳудудлардан иборат Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисида фармон берди. Округ қўмондони ва генерал-губернатори қилиб, генерал-адъютант К.П. фон Кауфман тайинланди. Унга подшо жуда катта ваколатлар берди. Императордан олган «Олтин ёрлик»ка мувофиқ фон Кауфман бирор давлатга уруш эълон қилиши, сулҳ тузиши мумкин эди, молиявий ҳамда иқтисодий масалаларда мустақил ҳукмдорлардек ҳуқуқларга эга бўлиб, факат подшога ҳисоб берарди. Сал ўтмай, харбий маъмуриятдан ташқари фуқаролик, маъмурий ишлар ҳам унга тўла топширилди. Шунинг учун фон Кауфманни халқ «ярим подшо» деб атади.

Бухорога қарши харбий ҳаракатларнинг давом этиши

Фон Кауфман ўзига берилган катта ваколатлар асосида Бухорога қарши уруш ҳаракатларини кенг қўламда яна бошлаб юборди.

1868 йил 1 майда 8300 кишилик рус қўшини (16 тўп билан) Самарканд шаҳри остонасидаги Чўпонота тепалигида амир қўшинини мағлубиятга учратди ва 2 майда Самаркандга кириб келди. Соҳибқирон пойтахти сифатида дунёга ном чиқарган, мусулмон оламининг йирик маданият марказларидан бирининг гайридин ёғийлар томонидан босиб олиниши катта йўқотиш бўлди, ундан бутун ислом олами ларзага келди. Амир Музаффарнинг обрўси мусулмон оламида тушиб кетди. Чунки Самарканд шаҳри амирликнинг йирик иқтисодий, сиёсий ва харбий таянч шаҳарларидан эди. Амир қўшинлари христиан дунёсига мансуб ёвларнинг салб юришини тўхтата олмадилар. Натижада чор қўшинлари амирлик ҳудудига янада чуқурроқ ёриб киришда давом қилдилар.

Тўғри, катта мағлубиятларни тўхтатиш ва касос олиш учун амир Музаффар ўзининг асосий кучларини Зирабулоқда тўплаб, зарба беришни режалаштирди. Бу ерда амир 15 минг отлик, 6 минг пиёда, 14 та тўпларини йигди. У жанг олдидан кўшинига зафар тилаб, она-юрт учун кофир боскинчиларга қарши жангга киришга мурожаат қилди. Жангни галаба билан тугаллаган сарбозларига мухорабадан сўнг 125 минг тилла пулни бўлиб беришини ваъда қилди.

Аммо огир жангда амир кўшини мағлубиятга учради. Амир Кизилкум ичкарисига қочди. Бу ваҳимали хабардан амирлик аҳолиси ларзага келди, норозилик кучайди. Нихоят, у кўзғолонга айланиб кетди. Энди амирликнинг турли томонидан халқ оқими Самарканд томонга оқа бошлади. Қарши, Шахрисабз ва Китоб бекларидан кучлар келиб, Самаркандга ўрнашиб олган рус гарнизонига қарши жанг бошлади. 1868 йил 8 июнда фон Кауфман бу хабарни эшитиб, зудлик билан Самарканд шаҳрига қайтади. Унинг кўшини Самаркандни камал қилаётган халқ ҳаракати отрядларини тўзғитиб юборди. Шаҳар аёвсиз талон-тороғ этилди, ўт ичида қолди. Халқ қирғин қилиниб, кўзғолонда иштирок қилганлиги гумон қилинганлар ҳам аёвсиз жазоланди, ҳеч қимга омонлик берилмайди. Аммо боскинчилар ҳам катта талафот кўради. Улардан 275 киши ўлди ва ярадор бўлди. Генерал-губернатор фон Кауфман Самарканддаги бу талафотни «катта йўқотиш» деб тан олишга мажбур бўлган эди.

Галабадан бутунлай умидини узган амир Музаффар таслим бўлиб, ҳажга кетишини режалаштира бошлайди. Бироқ амалдорлар уни сулҳ тузишга ундадилар. Нихоят, у бу таклифга кўнади 1868 йил 23 июнда амирнинг элчилари Самаркандда турган фон Кауфман ҳузурига келадилар. Фон Кауфман Самарканд, Каттакўргон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмини Россияга беришни ва 500 минг сўм миқдорида тоvon тўлашни шарт қилиб қўйди. Сулҳга кўра, Бухоро амири чет давлатлар билан дипломатик алоқалар олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум қилинди, рус савдогарлари учун монесиз савдо-сотик қилиш мажбурияти юқлатилди. Амир Россияга сиёсий тобелигини тўла тан олди.

Хива хонлигига қарши ҳужум режалари

Россия империяси Англия билан муносабатларнинг кескинлашуви пасайиб, изга тушгунга қадар Хива хонлигига ҳужум қилишдан тийилиб туришга мажбур бўлди.

Нихоят, «бетараф йўлак» муаммоси кisman хал бўлгач, Россия Хива хонлигн тақдирини хал қилишга қиришди. Россия империя бўлиб шаклланиш тонгидаёқ Хивага иштаха очар ўлжа сифатида қараб, қонли бургут панжалари билан эзиб ташлаш учун унга қовут қолган эди. Аммо шон-шавқатга бурқанган Пётр I нинг қўшинини Хива ҳудудида океан қарига қўққан кема янглиг изсиз йўқолди. Бу қўшин Шерғозихоннинг тақбирқорлиги билан қириб ташланган эди. Биринчи рус императорининг Хива хонлигидаги йирик мағлубияти унинг бу дунёдан ўқинч ва армон билан қетишига сабаб бўлди. Император Пётр I нинг васиятини бажариш иштиёқи XIX аср рус генералларига тинчлик бермади.

1839 йилда граф Перовский қатта қўшин билан Хивага қарши қтланди. Бироқ Хива қарбозларининг тинимсиз ҳужумлари ва қиш шароитидаги мураккаб вазият туфайли у Устюрт орқали қеқинишга мажбур бўлди. Бу қўшин тақдирига ҳам даҳшатли қоқиа қолномаси қитилди.

Бу воқеалар Хива хонлиги ҳақида Россия ҳуқмдорлари орасида турли шов-шувларнинг қелиб қиқинишга сабаб бўлди. Натижада Россия сиёсий-ҳарбий доиралари Хивани «бўйсунмаган Урта Осиё Қазоири» деб атай бошлақилар. (Маълумки, Қазоир ҳалқи француз босқинчи мустамлақачиларига қарши узок вақт мобайнида миллий озодлиқ уруши олиб қорган эди.)

Шуларни назарда тутиб, қор Россияси Хивани эгаллаш учун жуда қатта ҳарбий ва иқтисодий захира қучлар ажратди. Қор Россияси армияларининг юқорида қайд этилган улқан мағлубиятлари сабаблари жиддий ўрганилди. Ҳарбий режалар жуда пишиқ ва пухта ишлаб қиқилди.

Бунинг устига Россия Қўқон ва Бухорони ўзига тобе қилқандан сўнғ Хива хонлиги унинг уқта ҳарбий округи — гарбда Қавқаз, шимолда Оренбург ва шарқда Турқистон ҳарбий округлари қуршовида қолди. Бундан ташқари «Орол» ҳарбий флотилияси қучайтирилиб, уруш бошланиши билан ҳарбий кемалар Амударё юқори оқими томон сузиб, Хива хонлигига десант тушириши лозим эди. Бу жанговар кемаларнинг қапитанлари қатта денгиз жанғларида қиниққан зобитлар эқилар.

Хивага ҳужум қилишдан аввал қатта жосуслиқ ишлари олиб қорилди. Ҳужум йўналишлари аниқ белғиланди. Зарур бўлган ҳудудлар ҳарбий-топографик жихатдан ҳариталаштирилди.

Хива хонлигини босиб олиш учун жами 12 мингдан ортик солдат ва зобитлар, 56 та тўп замбараклар ажратилди.

Хива йўналишидаги барча харбий кучларнииг бош кўмондони килиб фон Кауфман тайинланди. 1873 йилнинг бахорида унинг буйруги билан барча кўшинлар Хиза чегараларини бузиб ўтиб, олдиндан келишилган режага мувофик боскинчилик урушини бошлаб юбордилар. Бу ҳаракатларда номларини халқларимиз нафрат ва дахшат билан тилга оладиган саркарда-генераллардан Головачёв, Скобелев, Верёвкин, Столетовлар ҳам жазо отрядлари бошликлари сифатида иштирок этдилар.

Хива хонлигининг забт этилиши

Хива хонлигига уруш эълон килинишининг асосий сабабларидан бири Мухаммад Рахимхон II нинг фон Кауфман кўйган талабларни бажармаганлигида эди. Бу талаблар туркман ва козоклар томонидан кўлга туширилган рус фукароларининг кул килиб сотилганларини озод килиб юбориш тўғрисида эдн. Гарчи бу талаблар бажарилган тақдирда ҳам Хива хонлигининг тақдири Петербург саройида хал килиб кўйилганди. Демак, генерал-губернатор фон Кауфман талабининг бажарилмаганлиги бу бир бахона эди, холос.

Хива сарҳадларидаги сокчилар рус боскинчилари катта кўшин билан Хивага юриш бошлаганлиги хабарини Мухаммад Рахимхонга етказдилар. Хон катта кенгаш чакириб, унда душман хужумини кайтариш чораларини кўриб чикди. У Чоржўй тарафдан келиб, Амударё ўнг соҳилидаги кечув жойини мўлжаллаб ҳаракат килаётган фон Кауфман йўлини тўсиш учун Мухаммадмурод девонбегини дарё томонга юборди. Кўнгирот тарафга келаётган генерал Верёвкин отрядини тўхтатиш учук эса Элтузар инокни жўнатди. Унга ёвмут ва Хоразм йигитларидан ташкил килинган 6 минг сарбозлардан иборат қисмни ҳам кўшиб берди.

Девонбегининг сарбозлари билан фон Кауфманга карашли генерал Ивановнинг отряди ўртасида Уч Учокда биринчи бор тўқнашув бўлди. Хар икки томондан ҳам катта талафотлар кўрилди.

Одам кирилган деган жойда Хоразм лашкарлари фон Кауфманнинг солдатларидан анчасини кириб ташлади. Бу тўқнашувда кўхна урганчилик уста Пирниёз деган баходир йигит мардлик кўрсатиб жангда ҳалок бўлди. Кауфман

Хоразм лашкарининг хужумини артиллерия ёрдамида кайгарди ва уларни чекинишга мажбур килди. Хоразм лашкари дарёнинг чап соҳилига кечиб ўтишга мажбур бўлди.

Фон Кауфман озик-овкат захираси тамом бўлаётганлиги сабабли овул, кишлок, калъалар аҳолисига ўз махсулотларини арзон-гаровга сотиш ҳақида буйруқ берди. Бунга ким қарши турса уни қиргин қилиш, талон-торож этишга рухсат берилди. Фон Кауфманни ўз даврининг йирик тарихчиси, Хива хонлигининг забот этилишига ўз кўзи билан кўрган Мухаммад Юсуф Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида бундай деб таърифлайди: «Кауфман хавфга тушиб уч юз солдат, икки юз эллик козок отлисига қойим-мақом Чорқуфскини бош этиб эд ораларига юбориб казок отлини тарожга маъмур этиб деди: Аробага маълумот юклаб, аскар тарафига келатурғони бўлса, матосининг баҳосини бериб олинглар, вағарна, торож этинглар. Талон-торож этиб озик-овкат тўплаш оддий ходисага айланди».

1873 йил 18 май куни фон Кауфман отрядлари Амударёдан кечиб ўтиб, 23 май куни Хазорасп қалъасини босиб олди. Бу вақтда генерал Верёвкиннинг ҳарбий қисми Қўнғирот остоналарига яқинлашиб келди. Бундан хабар топган шаҳар бийлари ва оксоқолу ҳокими (Ҳабниёзбий, Сайидбий, Тоғимуродбий, Қонирғали, Мансурбийлар) унинг ҳузурига вакил юбориб: «Ҳонимиздан рухсат ва қурол-яроғ келгунча тўқнашмай туришни илтимос қилишди». Аммо Верёвкин бундан хурсанд бўлиб, шаҳарни тўпга туттириб, унга бостириб кирди. Шаҳар таланди. Сўнгра Хўжайли шаҳри ҳам қўлга қиритилди. Кейин рус аскарлари Мангит қалъаси тарафга отландилар.

Мангит ва унинг атрофидаги овуллар дахшатли тарзда қиргин қилинди. Мухаммад Юсуф Баёнийнинг асарида бу воқеа қуйидагича баён қилинган: «Чун (рус қўшини — муаллифлар) Мангит ёвувида бир улуг овбалikka (катта овул — муаллифлар) келдилар. Верёвкин буюрди. Русия аскарлари ул овбага ҳужум этиб, аҳолини эркагу хотин ва ёшу қарига қарамай қатли ом (оммавий қатл) этиб ондин сўнг ўтлаб (ўт қўйиб—муаллифлар) ул овбани ер билан яқсон этдилар. Ондин сўнг мунинг билан ҳам қаноат этмай, Мангит қалъасига ҳақим бурунрок аҳолиси қелиб, қалъами Русияга таслим этиб, амон тоғиб қайтиб эрдилар, ҳужум этиб қириб эркагу хотун ва қарийу йигит ва аёлу атфолдан бешикдаги ўғлонларигача қириб, қатли ом этиб, иту эшак ва ҳар турлук жондор йўлукса ҳам отар эдилар. Чун жондор қўймай қириб тамом этдилар, шаҳарни ўтлаб чиқиб кетдилар».

Бу боскинчлар томонидан содир этилган, хатто аёвсизлиги жихатдан фашизмдан асло қолишмайдиган дахшатли вахшийлик эди. Бундай вахшийликни Африкадаги европалик мустамлакачилар ҳам қилишмаган эди.

Муҳаммад Раҳимхон Хивани ихтиёридаги мавжуд қуч билан муҳофаа қилиб бўлмаслигига қўзи етиб, Измиқшўр тарафдаги туркман овулига бориб яширинди. Бундан фойдаланган Отажон тўра хон номидан фон Кауфмандан Хива шаҳрини қайрон этмасликни сўрайди. Аммо у ҳукмдор бўлмаганлиги учун Кауфман қочиб кетган Муҳаммад Раҳимхонни топишни талаб қилди ва музоқараларни фақат у билан олиб бориши мумкинлигини билдирди.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон янги тарихи. II том.
2. А.Аскарлов. «Ўзбекистон халқлари тарихи». II том.
3. «Ўзбекистон тарихи» журнали. 1999 йил, 2-сон.